



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Бизнес кайфияти шарҳи

2024 йил II чорак



Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидағи иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил қўрсаткичлар орқали ўзида ифода этади.



Ушбу шарҳ жорий йилнинг II чорагида мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятини ўрганиш мақсадида июль ойида ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи икки мингдан ортиқ тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда, тадбиркорлик фаолияти йўналишларини кенгроқ қамраб олиш ва репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юқ ташишдаги қўрсаткичлар, соҳаларда ишчи кучига бўлган талаб, бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва күтилмаларни аниқлаш бўйича саволлардан ташкил топган.

Ҳар бир саволга бир неча жавоб вариантлари бириктирилган бўлиб, қатнашуечилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан бир ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гуруҳлар бўйича вазнили коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртacha қўрсаткичлар билан таққосланган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини сифат жиҳатидан ўрганиш имконини беради.

Умумий хулосалар

Тадбиркорлик мұхити

2024 йилнинг II чорагида республика бўйича умумий тадбиркорлик мұхити ижобийлиги сақланиб қолди. Аксарият бизнес вакиллари мамлакатда тадбиркорлик шароитлари ва мұхити яхшиланганини қайд этди. Шу билан бирга, сўнгги икки чорак давомида ишбилармонлик мұхитининг умумий кўрсаткичи бир маромда сақланаётганлиги кузатилмоқда.

Сўровнома иштирокчилари томонидан бизнес юритишда аввалги чоракка нисбатан рақобат мұхити, кредит олиш имкониятлари, солиқ маъмурчилиги, банк хизматлари сифати, маъмурий аралашувлар, монополлашув даражаси ва божхона шароитлари яхшиланганлиги маълум қилинган бўлса, йўллар инфратузилмаси ҳамда лицензия ва гувоҳномаларни олиш жараёнлари аввалги чорак даражасида қолганлиги билдирилган.

Иқтисодий фаоллик

II чорақда тадбиркорларнинг иқтисодий фаоллиги нисбатан барқарор даражада шаклланди. Бунда, ёқилғи ва энергия истеъмоли кўпайганини ҳамда юкларни ташиш ҳажми ортганини билдирганлар аввалги чоракка нисбатан ортган бўлса, қўшимча ишчи кучига талаб, ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажмининг кўпайганини маълум қилганлар улуши бироз камайди. Шунингдек, кўпчилик бизнес вакиллари кредит ва қарз тўловлари ўзгаришсиз қолганини қайд этди.

Сўровда қатнашган соҳа вакилларининг 58 фоизи ўрта ва юқори қувватларда, 42 фоизи эса нисбатан камроқ қувватларда фаолият юритганлигини таъкидлади. Бунда, аввалги чорак натижалари билан солиштирганда ўрта қувватларда фаолият юритган бизнес вакиллари улуши бироз кўпайган.

Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, юқори фаоллик Фарғона, Андикон ва Хоразм вилоятларида, нисбатан пастроқ фаоллик Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Жиззах вилоятларида қайд этилди.

Бандлик

Республикада аксарият бизнес вакиллари келгуси ойларда ишчи кучига талаби кўпайишини маълум қилган бўлса-да, аввалги чорак натижаларига нисбатан респондентлар улуши бироз камроқ бўлди. Ишчи кучига юқори талаб Самарқанд, Андикон, Наманган ва Сирдарё вилоятларида, нисбатан камроқ талаб эса Жиззах, Қашқадарё, Фарғона, Навоий ва Тошкент вилоятларида шаклланган. Соҳалар кесимида таълим, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, умумий овқатланиш соҳаларида қўшимча ишчи кучига талаб ортиши қайд этилган. Шу билан бирга, келгусида ташиш, савдо, туризм ва майший хизмат соҳаларида тадбиркорларнинг ишчи кучига бўлган талаби мақбуллашиши кутилмоқда.

Пул-кредит

Сўнгги тўрт чорак давомида республика бўйича тадбиркорларнинг қарз юкламалари ўзгаришсиз қолмоқда. Умуман олганда, аксарият тадбиркорлар келгуси чорақда кредит олишни режалаштирунганда. Бунда, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Навоий, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритувчи бизнес вакилларида келгусида янги кредитларга юқори талабнинг шаклланиши кутилмоқда.

Истиқболлар

Ўрта муддатли истиқболда мамлакат иқтисодий ривожланиши ва бизнес мұхити яхшиланиши бўйича кутилмалар ижобийлиги сақланиб қолди.



Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

2024 йилнинг II чорагида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида сўровда иштирок этган аксарият бизнес вакиллари тадбиркорлик шароитлари яхшиланганини маълум қилди. Бунда, ушбу даврда ижобий жавоблар улуши 54 фоизни ташкил этган (аввалги чорақда 58 фоиз).

Мазкур даврда бизнес шароитларининг яхшиланишига банк хизматлари ва кредит олиш имкониятларининг кенгайганлиги, рақобат муҳитидаги ижобий ўзгаришлар, лицензиялар ва рухсатномалар олиш жараёнининг соддалашгани сабаб сифатида кўрсатилди.

Шу билан бирга, божхона тарифлари ва чекловлари, монополлашув даражаси ва солик маъмурчилиги йўналишида сезиларли ўзгаришлар кузатилмагани таъкидланди.


Бундан ташқари, газ ва электр таъминоти ёмонлашганини қайд этган респондентлар улуши аввалги чорақка нисбатан кўпайди.

Ишлаб чиқариш, тиббиёт, умумий овқатланиш ва савдо соҳаларида аксарият тадбиркорлар жорий бизнес юритиш шароитларини ижобий баҳоламоқда. Бироқ, маъмурий аралашувлар, божхона тарифлари ва чекловлар ҳамда солик маъмурчилигига ўзгариш бўлмаганлиги қайд этилди.


Ушбу даврда кўпчилик тадбиркорлар томонидан кўшимча ишли кучига бўлган талабнинг ўзгаришсиз қолганлиги маълум қилинган. Соҳалар кесимида тиббиёт, таълим, ишлаб чиқариш ва қурилишда ишли кучига талаб бошқа соҳаларга нисбатан юқори шаклланди.

Умуман олганда, ҳудудда ёқилғи ва энергия истеъмоли, ишлаб чиқариш ҳамда буюртмалар ҳажми ўртача ҳисобда кўпайган. Юкларни ташиш ҳажми ва кредит/қарз тўловлари эса сўнгги икки чорақда ўзгармасдан қолмоқда.


1-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



2-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



3-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

Мазкур даврда респондентларнинг 26 фоизи юқори қувватда ишлаганини билдириди (ўтган чорақда 20 фоиз). Ўрта ва нисбатан юқори қувватларда асосан хунармандчилик, ташиш ва туризм хизматлари вакиллари фаолият юритган.

Тўлиқ фаолият юритмасликка газ ва электр таъминотидаги узилишлар, талабнинг етарли эмаслиги ва солиқ тизимидағи қийинчилклар салбий таъсир кўрсатганлиги таъкидланди. Шунингдек, айланма маблағнинг камлиги ва хомашё етишмаслиги бўйича муаммолар бироз камайган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Сўров иштирокчилари келгусида ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳамда буюртмалар ҳажми ортиши бўйича ижобий кутилмаларга эга. Юқори кутилмалар асосан ишлаб чиқариш, майший ва умумий овқатланиш хизматлари соҳаларига тўғри келмоқда.

Юкларни ташиш ҳажми ортиши бўйича ижобий кутилмалар аввалги чоракка нисбатан бироз пасайган. Ташиш ҳажми бўйича кутилмалар фақат ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаларида маълум даражада ўсиши кутилмоқда.

Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ўртача ҳисобда ўзгармаслиги кутилмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш, тиббиёт ва умумий овқатланиш соҳаларида ишчи кучига талаб ортиши мумкин.


Келгусида кредитларга бўлган эҳтиёжларининг ортиши фақаттина тиббиёт ва коммунал хизматлари соҳа вакиллари томонидан кутилмоқда.

Тадбиркорларнинг ўрта муддатли иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмалари сақланиб қолмоқда. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболларини ижобий баҳолаганлар улуши бироз камайиб, 60 фоизни ташкил этди.

4-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



5-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



6-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Бухоро, Навоий, Самарқанд

2024 йилнинг II чорагида худудларда бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз камайган бўлса-да, кўпчилик респондентлар (53 фоиз) жорий бизнес шароитларини ижобий баҳолашмоқда.

Бунда, ҳунармандчилик, тиббиёт ва таълим соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бизнес кайфиятлари чорак давомида юқори ўсган. Савдо, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш соҳаларида бизнес шароитлари яхшиланганини таъкидлаганлар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз камайган.

Чорак давомида банк хизматлари сифати ва рақобат муҳити яхшилангани ҳамда кредит ва лицензиялар олиш жараёни соддалашгани маълум қилинди.

Шу билан бирга, мазкур худудларда солик маъмурчилиги ҳамда маъмурий аралашувлар борасида ижобий ўзгаришлар рўй бермагани сўнгги икки чорак давомида таъкидлаб келинмоқда.

Тиббиёт, молия ва ҳунармандчилик соҳалари вакиллари рақобат муҳити яхшиланганини таъкидлади.

Айрим соҳа вакилларида энергия ресурсларида узилишлар кузатилган.


Курилиш, майший хизмат, умумий овқатланиш ва туризм соҳалари вакиллари йўллар инфратузилмасида ижобий ўзгаришларни юқори баҳолашган.

Солик маъмурчилиги яхшиланиши борасида ижобий кайфиятнинг нисбатан пасайиши, асосан, ишлаб чиқариш, туризм, савдо ва таълим соҳалари вакиллари томонидан билдирилди.


Юқ ташиш ҳажмининг ўсиши аввалги чоракка нисбатан бироз тезлашган бўлиб, асосан қурилиш ва майший хизматлар соҳаларида юқ ташиш фаоллиги ортган.

Мазкур даврда бизнес вакилларининг 20 фоизи юқори қувватда ишлаганини билдирган.


7-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



8-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



9-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Бухоро, Навоий, Самарқанд

Ўрта ва нисбатан юқори қувватларда асосан молия, тиббиёт ва таълим хизматлари вакиллари фаолият юритган.

Тўлиқ қувватда фаолият юритмасликка асосан газ ва электр таъминотидаги узилишлар, солиқ тизимидағи қийинчиликлар ва талабнинг етарли эмаслиги сабаб бўлгани таъкидланди.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Аксарият тадбиркорлар ўз соҳаларида ёқилғи ва энергия истеъмоли ошишини кутмоқда. Энергия истеъмолининг юқори ўсиши ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаларида кузатилиши мумкин.

Юкларни ташиш ҳажмининг ортиши асосан қурилиш соҳаси вакиллари томонидан билдирилди.

Қўшимча ишчи кучига бўлган талабнинг ўсиши кутилмоқда. Бунда, молия, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаларида талабнинг ошиши кузатилиши мумкин.


Ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиши бўйича қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларида ижобий кутилмалар шаклланмоқда.

Умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва майший хизмат соҳаларида буюртмаларнинг ошиши кутилмоқда.


Келгуси чорақда кредитга бўлган юқори эҳтиёж қурилиш, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва ташиш хизмати соҳалари вакиллари томонидан шаклланиши маълум қилинди.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 63 фоизи келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболларини ижобий баҳоламоқда. Ижобий кутилмалар, асосан, молия, қишлоқ хўжалиги ва майший хизматлар вакиллари томонидан билдирилган.

10-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



11-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



12-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Андижон, Наманган, Фарғона

2024 йилнинг II чорагида худудда бизнес юритиш шароитларида ижобий ўзгаришларни қайд этган тадбиркорлар улуси аввалги чоракка нисбатан ошди (56 фоиздан 59 фоизгача).

Мазкур худудларда бизнес вакиллари томонидан аксарият соҳаларда ижобий ўзгаришлар кузатилган. Хусусан, банк хизматлари сифати, кредит олиш имкониятлари ва рақобат муҳити чорак давомида яхшилангани таъкидланган.

Шу билан бирга, йўллар инфратузилмаси, солиқ маъмурчилиги, лицензия ва гувоҳномаларни олиш жараёни, божхона тарифлари ва нотариф чекловларда сезиларли ўзгариш қайд этилмаган.

Тадбиркорлар ўртача ҳисобда газ ва электр таъминотида ўзгариш сезмаган. Шу билан бирга, таълим, тиббиёт ва ишлаб чиқариш соҳаларида энергия таъминотида ижобий ўзгаришлар қайд этилган.

Ёқилғи ва энергия истеъмоли ўтган чоракка нисбатан юқорироқ даражада шаклланган бўлиб, ўсиш асосан майший хизматлар ва тиббиёт соҳаларида кузатилган.

Кўшимча ишчи кучига бўлган талаб фан-таълим, тиббиёт ва молия соҳаларида ошган, бошқа соҳаларда эса аввалги чорак даражасида сақланиб қолган.

Буюртмалар ҳажми ўртача ҳисобда ўсган бўлиб, хунармандчилик, алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда таълим соҳаларида буюртмалар сони бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ ошган.

Сўнгги икки чорак давомида тадбиркорларнинг кредит ва қарз тўловлари ҳажми ўзгармасдан келмоқда.

Бизнес вакилларининг 31 фоизи юқори қувватда ишлаганини билдирган. Ўрта ва юқори қувватлардаги фаоллик асосан алоқа, коммунал хизмат ва тиббиёт соҳаларида кузатилган.


13-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



14-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



15-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Андижон, Наманган, Фарғона

Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда талабнинг етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Келгуси чорақда тиббиёт ва майший хизмат вакиллари томонидан ёқилғи ва энергия истеъмолининг юқори ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, юкларни ташиш ҳажми ортишини билдирган соҳа вакиллари улуши аввалги чоракка нисбатан бироз камайган. Бунда, асосан, етказиб бериш ва умумий овқатланиш соҳаларида ўсиш бўйича кутилмалар қайд этилган.

Келгуси чорақда қўшимча ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши кутилмоқда. Бунда, ишчи кучига талаб фан-таълим, молия ва тиббиёт соҳаларида кўпроқ бўлиши билдирилди.


Хунармандчilik, қишлоқ хўжалиги, умумий овқатланиш ва фан-таълим соҳаларида келгуси ойларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг кўпайиши кутилмоқда.

Кўпчилик бизнес вакиллари томонидан буюртмалар ҳажми ошиши кутилмоқда. Бунда, молия, хунармандчilik ва таълим соҳалари вакилларининг кутилмалари яхшиланиб бормоқда.


Кредит маблағларига эҳтиёж ортишини билдирганлар улуши I чоракка нисбатан бироз ошган. Алоқа ва ахборотлаштириш, фан-таълим ва хунармандчilik соҳаларида кредитларга эҳтиёж ортиши мумкин.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 68 фоизи келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмаларга эга. Биринчи чоракка нисбатан оптимистик кутилмаларнинг ошиши тиббиёт, молия ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кузатилди.


16-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



17-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



18-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Қашқадарё, Сурхондарё

2024 йилнинг II чорагида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тадбиркорлик юритиш шароитлари яхшиланган. Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳалари вакиллари бизнес шароитларининг яхшиланишини кўпроқ сезган.

Ҳудудда рақобат муҳити яхшилангани, лицензия ва гувоҳномаларни расмийлаштириш жараёни соддалашгани фаолият юритишга ижобий таъсир кўрсатгани таъкидланди.

Аксинча, йўллар инфратузилмаси, божхона чекловлари ва солиқ маъмурчилиги борасида ўзгаришлар кузатилмаган.

Коммунал хизматлар ва қурилиш соҳаларидан ташқари, бошқа соҳаларда энергия ресурсларида узилишлар қайд этилган. Айниқса, майший ва ташиш хизматлари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаларидағи тадбиркорларда мазкур муаммолар кўпроқ юзага келган.


Маъмурий ишлар ва монополлашув даражаси ўрта ҳисобда ўзгаришсиз қолган. Бироқ, тиббиёт, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаларида ижобий фикр билдирганлар улуши қисқарган.

Ёқилғи ва энергия истеъмоли ўтган чоракка нисбатан юқори ўсан бўлиб, бу асосан ишлаб чиқариш, майший хизматлар ва савдо соҳалари вакиллари томонидан қайд этилган.


Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ўзгаришсиз қолган бўлиб, фақатгина молия, қурилиш ва умумий овқатланиш соҳаларида талабнинг бироз ошганлиги таъкидланди. Юк ташиш ҳажми ҳам аввалги чоракка нисбатан ўзгармаган.

Буюртмалар ҳажмида ўсиш, асосан, ишлаб чиқариш, молия ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кузатилган. Кредитлар бўйича тўловлар ҳажми эса чорак давомида ўзгаришсиз қолган.


19-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



20-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



21-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Қашқадарё, Сурхондарё

Бизнес вакилларининг 24 фоизи юқори қувватда ишлаганлигини билдирган. Ушбу кўрсаткич ўтган чорак даражасида сақланиб қолган. Ўрта ва юқори қувватларда молия, коммунал хизматлар ва умумий овқатланиш соҳалари фаолият юритган.

Тўлиқ қувватда фаолият юритмасликка газ ва электр таъминотидаги узилишлар, солик тизимидағи қийинчиликлар ва талабнинг етарли эмаслиги сабаб бўлган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Сўров иштирокчилари келгусида ёқилғи ва энергия истеъмоли бўйича ижобий кутилмаларга эга. Юқори кутилмалар асосан таълим, ишлаб чиқариш ва хунармандчилик соҳаларига тўғри келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вакиллари томонидан келгусида юкларни ташиш ҳажми ортиши маълум қилинди.


Ишчи кучига бўлган талабнинг ўрта ҳисобда ўзгармаслиги кутилмоқда. Бунда, таълим, молия ва ишлаб чиқариш соҳаларида ишчи кучига қўшимча талаб шаклланиши билдирилди.

Қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида келгуси ойларда буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши кутилмоқда.


Кўпчилик респондентлар томонидан қўшимча кредит олиш режалаштирилган. Бунда, таълим, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги вакилларида кўпроқ эҳтиёж юзага келиши мумкин.

Худудда соҳа вакилларининг 59 фоизи келгуси 3 йилда мамлакатнинг иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий ўзаришларни кутмоқда.


22-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



23-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



24-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Жиззах, Сирдарё

2024 йилнинг II чораги якуни бўйича 54 фоиз респондентлар худудда бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини қайд этган (аввалги чоракда 51 фоиз).

Коммунал хизматлар, ташиб хизмати ва ишлаб чиқариш соҳалари вакиллари бизнес шароитларининг яхшиланганини кўпроқ сезган бўлсалар, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва молия соҳалари вакиллари томонидан шароитлар аввалги чорак даражасида ўзгаришсиз қолгани таъкидланган.

Шунингдек, худудларда рақобат муҳити ва кредит олиш имкониятлари яхшиланадиганини таъкидлаганлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Божхона тарифлари ва чекловлари, монополлашув даражаси, маъмурӣ аралашувлар ва йўллар инфратузилмаси бўйича ижобий ўзгаришларни кутаётганлар улуши аввалги чорак даражасида сақланиб қолган.

Шу билан бирга, газ ва электр таъминоти ёмонлашганини таъкидлаган респондентлар улуши аввалги чоракка нисбатан кўпайган. Таълим ва ташиб хизмати вакиллари энергия таъминоти яхшиланганини таъкидлаган.


Чорак давомида ёқилғи ва энергия истеъмоли I чоракка нисбатан 12 фоизга ошган. Юқори истеъмол таълим, умумий овқатланиш ва ташиб хизматларида кузатилган.

Шунингдек, мазкур даврда соҳа вакилларининг қўшимча ишчи кучига бўлган талаби ортган. Юқори талаб қурилиш, таълим ва тибиёт соҳалари вакиллари томонидан билдирилган.


Хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмлари ошгани маълум қилинди.

Буюртмалар ва хизматлар ҳажмининг ўсиши тибиёт, фан-таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларида сезилган.


25-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



26-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



27-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Жиззах, Сирдарё

Бизнес вакилларининг 26 фоизи юқори қувватда ишлаганини билдириб, бу кўрсаткич ўтган чоракка нисбатан бироз пасайган. Ўрта ва юқори қувватлардаги фаоллик, асосан, фан-таълим, умумий овқатланиш ва етказиб бериш соҳаларида кузатилган.

Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари сифатида айланма маблағларнинг етарли бўлмагани, газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда солиқ тизимидағи қийинчиликлар кўрсатиб ўтилган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Биринчи чоракка нисбатан ёқилғи ва энергия истеъмоли ошишини кутаётган тадбиркорлар улуши ортган. Энергия истеъмолининг юқори ўсиши қурилиш, умумий овқатланиш ва таълим соҳаларида кузатилиши мумкин.

Юкларни ташиш ҳажмининг ортиши асосан қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳалари вакиллари томонидан билдирилган.


Тадбиркорларнинг деярли ярми ишчи кучига бўлган талабининг ўсишини кутмоқда (бу кўрсаткич аввалги чорак даражасида шаклланган). Талабнинг ўсиши тибиёт, ишлаб чиқариш ва хунармандчилик соҳаларида кузатилиши мумкин.

Умумий овқатланиш ва етказиб бериш соҳаларида буюртмалар ҳажми ортиши ва шунга мос равишда юк ташиш ҳажми ҳам кўпайиши кутилмоқда.


Соҳа вакилларининг 43 фоизи келгусида кредитга эҳтиёжи ортиши бўйича кутилмаларини маълум қилган. Фан-таълим, тибиёт ва умумий овқатланиш соҳаларида кредитларга талаб ортиши мумкин.

Сўровда иштирок этган респондентларнинг 54 фоизи (аввалги чорақда 57 фоиз) келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо бермоқда.


28-расм. Айрим қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



29-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



30-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Қарақалпоғистон, Ҳоразм

Қарақалпоғистон Республикаси ва Ҳоразм вилоятида тадбиркорлик билан шуғулланиш шароитлари яхшиланганини маълум қилганлар кўпчиликни ташкил этган бўлса-да, уларнинг улуши биринчи чоракка нисбатан бироз пасайган (57 фоиздан 54 фоизгача). Бунда, алоқа ва аҳборотлаштириш, молия, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаларида ижобий ўзгаришлар кўпроқ кузатилган.

Рақобат муҳити ва банк хизматлари сифати яхшилангани, шунингдек, лицензия ва кредитлар олиш жараёнлари соддалашгани қайд этилган. Шу ўринда, йўллар инфратузилмаси, солик маъмурчилиги, монополлашув даражаси ва божхона тарифлари ҳамда чекловлари борасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмагани таъкидланган.

Биринчи чоракка нисбатан газ ва электр таъминотининг ёмонлашишини сезган респондентлар улуши кўпайган. Мазкур ҳолат асосан, умумий овқатланиш, савдо ва ишлаб чиқариш соҳалари вакиллари томонидан билдирилган.


Ёқилғи ва энергияга талаб аввалги чоракка нисбатан юқори шаклланган бўлиб, асосан, умумий овқатланиш, ташиш хизмати ва савдо вакилларида кузатилган.

Аксарият соҳа вакиллари ишлаб чиқариш ва юкларни ташиш ҳажмлари ҳамда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ўзгаришсиз қолганлигини билдирган.


Буюртмалар ҳажми ўрта ҳисобда ошган. Туризм, қурилиш ва ташиш хизматларида буюртмалар сони бошқа соҳаларга нисбатан юқорироқ шаклланган.

Чорак давомида кредит ва қарз тўловлари ўсиши мос равишда ишлаб чиқариш, майший хизмат ва туризм соҳаларида қайд этилган.


31-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



32-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



33-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Қарақалпогистон, Ҳоразм

Бизнес вакилларининг 20 фоизи юқори қувватда ишлаганини маълум қилган. Газ ва электр таъминотидаги узилишлар, солиқ тизимидағи қийинчилликтар ва автомобиль ёнилғи нархининг қимматлашиши айrim соҳаларнинг тўлиқ қувватда ишламаслигига сабаб бўлган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 58 фоизи келгуси чорақда энергия истеъмоли ўсишини кутмоқда. Биринчи чоракка нисбатан кутилмалар 16 фоизга ошган.


Ишчи кучига бўлган талабнинг ўрта даражада ўсиши кутилмоқда. Талабнинг ўсиши алоқа ва ахборотлаштириш, туризм ва умумий овқатланиш соҳаларида кузатилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш, туризм ва ташиб хизматлари соҳалари келгуси ойларда буюртмалар ҳажмининг кўпайишини кутмоқда. Юкларни ташиб ҳажми эса ўрта ҳисобда ўзгармаслиги мумкин.


Бизнес вакилларини кредитга бўлган талабининг ўсиши бўйича кутилмалар биринчи чоракка нисбатан деярли ўзгармаган. Бироқ, ҳунармандчилик, туризм, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш соҳа вакилларида кредит олишга бўлган талабнинг ортиши кутилмоқда.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 61 фоизи келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболларини ижобий баҳолаган.

34-расм. Айrim қунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



35-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



36-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда

